

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 751-ҳадис

751/1499 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعَجْمَاءُ جُبَارٌ، وَالْبَطْرُ جُبَارٌ، وَالْمَعْدِنُ جُبَارٌ، وَفِي الرِّكَازِ الْخَمْسُ».«

751.1499. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Тилсизларда тўлов йўқ. Қудуқда тўлов йўқ. Маъданда тўлов йўқ. Рикозда хумус бор»**, дедилар».

**Изоҳ:** «Тилсизлар» деганда ҳайвон ва қушлар назарда тутилган. Уларда тўлов йўқлиги эса улар келтирган заарлар туфайли эваз, товон тўлаш йўқлигидир. Бу уларнинг эгалари сабабчи бўлмаган тақдирда. Акс ҳолда, эгаларига товон тўлаш лозим бўлади.

«Қудуқда тўлов йўқ» дегани бирор қудуқ қаздираётганда қазувчи иш жараёнида ўлиб қолса, қаздираётган шахс унинг товонини тўламайди, деганидир. Шунингдек, бирор қудуққа тушиб кетса ёки унга бирор нарса тушиб кетиб, синса, қудуқ қаздирган киши бунга масъул бўлмайди. Бунда қудуқнинг эгаси уни ўзига қарашли ердан қаздирган бўлиши шарт.

«Маъданда тўлов йўқ» деган жумлани уламолар икки хил изоҳлашган. Жумҳур уламо маъдан топиб олган киши унинг бешдан бирини ғазнага топширмайди, деган. Ҳанафийлар эса: «Бу ерда ҳам қудуқдаги ҳолат назарда тутилган. Масалан, бир киши бирорни маъдан қазишга ёлласаю, қазувчи иш жараёнида ўлиб қолса, қаздирувчи унинг товонини тўламайди», дейишган.

«Рикоз» деб жумҳурнинг наздида жоҳилият аҳли яширган дафиналарга айтилади. Ҳанафийлар эса «Маъданлар ҳам рикозга киради», дейишган. Айрим мутахассисларнинг айтишича, ушбу хилоф «рикоз» сўзининг маъносидан келиб чиққан, чунки Ҳижоз аҳли «рикоз» деганда фақат жоҳилият дафиналарини назарда тутган, ироқликлар эса дафинани ҳам, маъданни ҳам рикоз дейишган. Бу ўринда жумҳурнинг сўзи қувватли, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳижоз тилида сўзлаганлар.

**Изоҳ:** «Тилсизлар» деганда ҳайвон ва қушлар назарда тутилган бўлиб, улар келтирган заарга эгалари сабабчи бўлмаса, товон тўланмайди.

«Кудуқда тўлов йўқ» деганда бир одам ўзига қарашли ердан қудуқ қаздираётганда қазувчи иш жараёнида ўлиб қолса, қаздираётган одам бунинг учун товоң тўламаслиги назарда тутилган. Шунингдек, ўша қудуқча одам ёки бирор буюм тушиб кетса ҳам, қудуқ қаздирган киши бунга масъул бўлмайди.

«Маъданда тўлов йўқ» деган жумлани уламолар икки хил изоҳлашган. Жумхур уламо маъдан топиб олган киши унинг бешдан бирини ғазнага топширмайди, деган. Ҳанафийлар эса: «Бу ерда ҳам қудуқдаги ҳолат назарда тутилган. Масалан, бир киши бирорни маъдан қазишга ёлласаю, қазувчи иш жараёнида ўлиб қолса, қаздирувчи унинг товоенини тўламайди», дейишган.

«Рикоз» деб жумхурнинг наздида жоҳилият аҳли яширган дафиналарга айтилади. Ҳанафийлар эса «Маъданлар ҳам рикозга киради», дейишган. Айрим мутахассисларнинг айтишича, ушбу хилоф «рикоз» сўзининг маъносидан келиб чиқкан, чунки Ҳижоз аҳли «рикоз» деганда фақат жоҳилият дафинарини назарда тутган, ироқликлар эса дафинани ҳам, маъданни ҳам рикоз дейишган. Бу ўринда жумхурнинг сўзи қувватли, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳижоз тилида сўзлаганлар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

